



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 27 » декабрь

№ ПК–390

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда илм-фанни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар сифатини ошириш, олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш ҳамда Фанлар академияси илмий ташкилотларининг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар ва устувор йўналишлар

1. Ушбу қарорни қабул қилишнинг асосий мақсадлари Фанлар академиясининг иқтисодиёт соҳалари учун қўшилган қиймат яратишдаги иштирокини кенгайтириш, қуйидагиларни амалга ошириш орқали унинг фаолиятини такомиллаштириш ҳисобланади:

- (а) Фанлар академиясида **2030 йилга қадар** 1-иловада белгиланган **устувор йўналишлар** бўйича илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш;
- (б) 2030 йилга қадар Фанлар академияси ва унинг тизим ташкилотларида:
 - (i) янги илмий ишланмалар сони ва тижоратлаштиришдан олинадиган маблағлар ҳажмини **3 бараварга**;
 - (ii) илмий ходимлар таркибида ёшлар улушини **60 фоизгача**;
 - (iii) нуфузли халқаро илмий нашрларда чоп этилган мақолалар сонини **4 бараварга**;
 - (iv) академиклар ва профессорларнинг таълим жараёнидаги иштирокини **5 бараварга**;
 - (v) халқаро ҳамкорликда амалга оширилган илмий тадқиқотлар сонини **3 бараварга ошириш**;
- (в) хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган **илмий диаспорани Ўзбекистон илм-фанига реинтеграция қилиш**;

- (г) **Фанлар академиясининг илмий муассасаларини (кейинги ўринларда – илмий муассасалар) рақобат тамойили асосида молиялаштириш тизимига ўтиш;**
- (д) **ёшларнинг академик фанларда иштирокини кучайтириш учун уларни рағбатлантириш тизимини яратиш.**

II. Реал иқтисодиёт тармоқларига янги ишланмалар жорий этишни тубдан ислоҳ қилиш

2. Илм-фан ва саноат тармоқлари ўртасидаги ўзаро интеграцияни кучайтириш, Фанлар академиясининг янги ишланмаларини тижоратлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Фан ва саноат интеграцияси кенгаши (кейинги ўринларда – Интеграция кенгаши) ташкил этилсин.**

3. Белгилаб қуйилсинки, Интеграция кенгаши:

- (а) **иқтисодиёт тармоқларига масъул вазирлик, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, илмий муассасалар вакиллари**дан иборат бўлади ҳамда унинг таркиби **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари** томонидан тасдиқланади;
- (б) тегишли тармоқ корхона ва ташкилотларининг яқин ва ўрта ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш режаларидан келиб чиққан ҳолда **амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар рўйхатини** шакллантиради, муҳокама қилади ва тасдиқлайди;
- (в) **иқтисодиёт тармоқларида илмий ечим талаб этадиган муаммолар рўйхатини** шакллантиради, уни илмий муассасалар ўртасида тақсимлайди ҳамда уларни молиялаштиришнинг манбаларини кўрсатган ҳолда **давлат томонидан кафолатланадиган буюртмани** белгилайди;
- (г) **ижобий баҳоланган лойиҳаларни илмий муассасалар илмий-техник дастурларига** киритади ҳамда уларнинг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан шакллантириладиган амалий ва инновацион грантлар танлови дастурларида **устувор мавзу** сифатида белгиланишини таъминлайди;
- (д) **илмий муассасаларда мавжуд янги ишланмаларнинг тақдимотини** кўриб чиқади ҳамда ижобий хулоса берилган тақдирда, уларни **реал иқтисодиёт тармоқларида жорий этишнинг аниқ чоратadbirlar дастурини** белгилайди.

4. **Фанлар академияси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2026 йил 1 ноябрга қадар нуфузли халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликда материалшунослик, генетика, нанотехнологиялар ихтисосликларида таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc) қўшма таълим дастурларини (double degree) ишлаб чиқиш, шунингдек, халқаро ташкилотлар грант дастурларига қўшма лойиҳалар тайёрлаш ишларини амалга оширсин.**
5. **2026 йилдан бошлаб** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги барча илмий лойиҳаларнинг сифатини ошириш мақсадида уларни **илмий экспертизадан ўтказиш бўйича илмий-техник кенгашлар** таркибига Фанлар академияси таклифига асосан **ҳамраис номзоди** киритилади.

III. Фанлар академияси ва унинг илмий муассасалари фаолиятини такомиллаштириш

6. Қуйидагилар:

- (а) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ;**
- (б) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2030 йилгача мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;**
- (в) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ходимлари сонини босқичма-босқич ошириш режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

7. Белгилаб қуйилсинки, Фанлар академиясида:

- (а) бошқарув аппарати ходимларининг умумий чекланган сони 50 нафар** этиб белгиланади;
- (б) умумий бошқарув аппарати ходимлари доирасида бир нафар** президентнинг молиявий ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозими киритилади;
- (в) президентнинг молиявий ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Фанлар академияси президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.**

8. Фанлар академияси:

(а) 2026 йил 1 апрелдан бошлаб ўз тизимидаги илмий муассасаларда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда илмий ходимлар фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) ва илмий муассасалар фаолият самарадорлигини баҳолаш бўйича рейтинг тизимини жорий этсин. Бунда:

(i) илмий муассасалар рейтинги йил якуни бўйича комплекс индикаторлар асосида аниқланади ва “яшил”, “сарик”, “қизил” тоифаларга ажратилади;

(ii) рейтингдаги тоифасидан келиб чиқиб, илмий муассасаларнинг янги лойиҳалари қўшимча молиялаштирилади, улар учун янги лаборатория ва бўлимлар ташкил этилади ёки штат бирликлари бошқа илмий муассасаларга ўтказилган ҳолда ёпилади;

(iii) илмий ходимлар учун KPI уларнинг фаолият натижадорлиги кўрсаткичлари бўйича баллар асосида баҳоланади;

(б) 2026 йил 1 мартга қадар халқаро экспертларни жалб этган ҳолда илмий муассасалар фаолиятини тўлиқ хатловдан ўтказиб, истиқболсиз ва самарадорлиги паст бўлган мавжуд илмий йўналишлар ҳамда лабораториялар сонини мақбуллаштириш орқали янги илмий гуруҳ ва лабораториялар ташкил этсин;

(в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Фанлар академиясининг янгиланган уставини ишлаб чиқсин:

(i) Умумий йиғилиш ва Директорлар кенгашининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг такрорланувчи функция ва вазифаларини қисқартириш;

(ii) Умумий йиғилишнинг аҳамиятини ошириш, академиклар фаоллигини кучайтириш;

(iii) илмий муассасалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини, шунингдек, ёш чегараларини аниқ белгилаш. Бунда, номзодлар 5 йил муддатга тайинланади ҳамда лавозимни кетма-кет 2 мартадан ортиқ эгаллашига йўл қўйилмайди.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академиясининг:

- (a) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази ҳамда Инновацион ривожланиш агентлигининг Халқаро молекуляр аллергология марказини Фанлар академияси тизимига ўтказиш;
- (б) ҳудудларда илм-фанни ривожлантириш ва ёшларни илм-фанга кенгроқ жалб қилиш мақсадида Наманган, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида **Фанлар академиясининг ҳудудий бўлимларини** (кейинги ўринда – ҳудудий бўлинмалар) ташкил этиш;
- (в) Халқаро илм-фан кенгашининг **Марказий Осиё минтақавий офиси**ни (кейинги ўринларда – Минтақавий офис) ташкил этиш;
- (г) Фанлар академияси ҳузуридаги Миллий археология марказини Антропология институти деб қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Белгилансинки:

(a) ҳудудий бўлинмалар:

- (i) юридик шахс ҳисобланмайди ва Фанлар академияси тизимида фаолият юритади;
- (ii) ходимларининг умумий чекланган сони **3 нафар** этиб белгиланади ҳамда 5-иловада кўзда тутилган штат бирликлари Фанлар академиясининг илмий ходимлари сонини босқичма-босқич ошириш доирасида шакллантирилади;
- (iii) раҳбари Фанлар академияси президенти томонидан тегишли ҳудудий олий таълим ёки илмий ташкилотларнинг раҳбарлари орасидан танлаб олинади;
- (iv) ҳудудий олий таълим ёки илмий ташкилотларнинг бино ва иншоотларига жойлаштирилади, уларни сақлаш ҳамда коммунал тўловлар бўйича харажатларини қоплаш тегишли олий таълим ёки илмий ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;
- (v) илмий-тадқиқот ишларини Фанлар академияси томонидан тасдиқланган иш режа доирасида амалга оширади;

(б) Минтақавий офис:

- (i) Фанлар академияси тизимидаги юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинма ҳисобланади;

- (ii) 2 та штат бирликларидан** иборат бўлади. Бунда мазкур штат бирликлари Фанлар академиясига мазкур қарорга 4-иловага мувофиқ кўзда тутилган штатлар доирасида ажратилади;
- (iii) Фанлар академияси бошқарув аппарати** биносида жойлаштирилади ва унинг фаолияти учун зарур шароитлар Фанлар академияси томонидан таъминланади;
- (iv) Фанлар академияси президенти ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда** Халқаро илм-фан кенгаши томонидан тайинладиган ва лавозимидан озод қилинадиган раҳбар томонидан бошқарилади.

IV. Илмий ходимларни рағбатлантириш ҳамда илмий ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

11. Фанлар академияси:

- (а) бир ой муддатда** илмий муассасаларнинг ноёб объектлари рўйхатини шакллантирсин ва уларни тегишли институтлар таркибига киритсин;
- (б) уч ой муддатда** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишган ҳолда ноёб объектлар бириктирилган институтларга штат бирликларини ажратиш меъёрлари ҳамда ходимлар иш ҳақи миқдорларини тасдиқласин.

12. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

- (а) илмий муассасалар томонидан реагент, реактив, сарфлов материаллари ва бутловчи қисмлар хариди давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига камида икки иш кунда эълонни жойлаштириш ҳамда Харид комиссияси томонидан салоҳиятли етказиб берувчининг таклифини ёки офертасини “таклиф сўрови” тартиботи асосида ўрганиш орқали амалга оширилади;**
- (б) Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик маркази, Халқаро молекуляр аллергология маркази раҳбар ва илмий ходимларининг иш ҳақлари илмий муассасаларнинг раҳбар ва илмий ходимлари базавий лавозим маошларига тенглаштирилади.**

13. 2026 йил 1 январдан бошлаб илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёш олимларни жалб қилиш ва стратегик аҳамиятга эга илмий йўналишларни барқарор молиялаштириш мақсадида **Фанлар академияси жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

14. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

- (а) Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган **80 миллиард сўм** миқдоридаги маблағлар;
- (б) Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;
- (в) жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, хорижий ҳомийларнинг хайрия маблағлари;
- (г) халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмак маблағлари;
- (д) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

15. Қуйидагилар:

- (а) **2026 йил 1 январдан** бошлаб Фанлар академияси бошқарув аппарати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ходимлари учун Фанлар академияси жамғармаси ҳисобидан тўланадиган **моддий рағбатлантиришнинг турлари** 6-иловага мувофиқ;
- (б) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамғармаси маблағлари йўналтириладиган **харажатлар йўналишлари** 7-иловага мувофиқ;
- (в) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг **ташкилий тузилмаси** 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

16. Фанлар академияси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 декабрга** қадар илмий муассасаларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича **5 йилга мўлжалланган дастурни** ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Белгилансинки:

- (а) Фанлар академияси илмий ходимлари сонини йилма-йил ошириш ва Жамғармага ҳар йили Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган трансфертларни қисқартириш ҳисобидан амалга оширилади;
- (б) мазкур қарорда белгиланган бошқа тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 9-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 10-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
20. Адлия вазирлиги Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш агентлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** олимлар томонидан таклиф этилаётган ва яратилган ишланмаларни тижоратлаштириш учун интеллектуал мулкни баҳолаш тизимини йўлга қўйсин.
21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Фанлар академияси президенти Ш.А. Аюпов ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.
22. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг таълимни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Фанлар академияси томонидан амалга ошириладиган
илмий-тадқиқот ишларининг 2030 йилгача мўлжалланган
устувор йўналишлари**

- 1. Биотехнология ва ген муҳандислиги** – тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида биотехнологияларни қўллаш, превентив ва персоналлаштирилган тиббиёт, соғлом ва узоқ умр кўришга йўналтирилган геном технологиялари ва фармацевтика ечимларини ишлаб чиқиш;
- 2. Ақлли материаллар ва нанотехнологиялар** – энергетика, соғлиқни сақлаш, машинасозлик ва электроника каби устувор тармоқлар учун функционал ва мослашувчан материалларни яратиш;
- 3. Сунъий интеллект, Big Data ва квант технологиялари** – соғлиқни сақлаш, таълим, экология ва иқтисодиёт соҳаларида қўллаш учун интеллектуал алгоритмларни ривожлантириш;
- 4. Қайта тикланувчи ва водород энергетикаси, яшил технологиялар** – қуёш, шамол ва водород энергетикаси каби барқарор ва экологик хавфсиз энергетик тизимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ресурс тежамкор ва чиқиндисиз технологиялар учун илмий асослар яратиш;
- 5. Тупроқ шўрланишига қарши курашиш ҳамда тоза сув** – тупроқ хариталарини яратиш, ер ресурсларидан барқарор фойдаланиш, ҳосилдорликни тиклаш, аграр секторни иқлим ўзгаришига мослаштириш, сув танқислиги шароитида оқилona сув бошқаруви ва тозалаш технологияларини илмий асослаш;
- 6. Ядровий фан ва радиацион технологиялар** – ядровий ва радиацион усулларни тиббиёт, саноат ва қишлоқ хўжалигида халқаро хавфсизлик стандартларига мос равишда ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- 7. Рақамли табиат** – экотизимларни мониторинг қилиш, биохилмахилликни рақамли моделлаш ва илмий маълумотларга асосланган табиатни муҳофаза қилиш ечимларини жорий этиш;
- 8. Сейсмик хавфсизлик** – геодинамик жараёнларни ўрганиш, сейсмик ҳодисаларни мониторинг қилиш ва башоратлаш тизимларини яратиш орқали табиий хатарларни камайтириш;

- 9. Миллий тарих ва жамият** – археологик объектлар ва маданий ландшафтларни тадқиқ қилиш, жамият тафаккурини ривожлантиришга қаратилган фанлараро фундаментал илмий тадқиқотларни амалга ошириш, Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий меросининг илмий тарғиботини кучайтириш;
- 10. Маънавий мерос ва рақамли қўлёзма** – тарихий қўлёзмалар, архивлар ва коллекцияларни тадқиқ этиш ва рақамлаштириш, замонавий технологияларни жалб этган ҳолда тил, адабиёт ва санъатнинг рақамли ресурсларини яратиш орқали рақамли билимлар базасини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

T/p	Устувор вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
I. Илмий-тадқиқот фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш					
1.	Халқаро консалтинг компаниялар иштирокида илм-фан учун истиқболли йўналишларни инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.	1. Фанлар академияси тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича хорижий консултантлар билан шартнома тузиш. 2. Фанлар академияси тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш. 3. Фанлар академияси тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясини умумий йиғилишда тасдиқлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил май 2026 йил сентябрь 2026 йил декабрь	Фанлар академияси жамғармаси маблағлари (кейинги ўринда – Жамғарма)	Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Тармоқ корхоналари билан ишлаш бўйича Фан ва саноат интеграцияси кенгашини ташкил этиш.	1. Саноат тармоқларида илмий ечимлар талаб этиладиган муаммолар портфелини шакллантириш. 2. Кенгаш томонидан тегишли тармоқ корхона ва ташкилотларини ривожланиш режаларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаларни шакллантириш. 3. Лойиҳа мавзуларини Фанлар академиясининг илмий-техник дастурларига киритиш. 4. Лойиҳа мавзуларини Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан шакллантириладиган амалий ва инновацион	Ҳар йили январь ойида Ҳар йили февраль, октябрь ойларида Йил давомида	– Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар

		грантлар танлови дастурларида устувор мавзулар сифатида белгилаш.		қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	
3.	Тармоқ корхоналари билан ишлаш бўйича Фан ва саноат интеграцияси кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Интеграция кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш учун низом ҳамда кенгаш таркибини тасдиқлашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқиш. 2. Интеграция кенгашининг фаолиятини йўлга қўйиш учун низом ҳамда кенгаш таркибини тасдиқлашни назарда тутувчи таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	2026 йил февраль 2026 йил март	—	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси
4.	Фанлар академияси илмий ташкилотларини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш.	1. Илмий ташкилотларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 2. Илмий ташкилотларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш: илмий кадрлар салоҳиятини ошириш; замонавий тадқиқот услублари ва йўналишларини кенгайтириш; етакчи хорижий ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш; истикболли илмий ҳажмдор маҳсулотларни яратиш ва уларни тижоратлаштириш; бошқарув тизимини такомиллаштириш. 3. Ишлаб чиқилган ташкилот стратегиясини илмий жамоада, хорижий мутахассислар, академиклар иштирокида Фанлар академияси бўлинмалари бюросида муҳокама қилиш; 4. Илмий ташкилотни 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясини Фанлар академияси Президиумида тасдиқлаш.	2026 йил февраль 2026 йил март 2026 йил апрель 2026 йил май	—	Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	Илмий ташкилотлар рейтинг тизимини ва қуйидаги	1. Илмий ташкилотлар ва илмий ходимларнинг фаолиятини рейтинг баҳолаш	2026 йил март	—	Фанлар академияси, Фанлар академияси

	мезонларни ўз ичига олувчи илмий ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг KPI кўрсаткичини жорий этиш: халқаро рецензияланадиган нашрлар; патент ва лицензиялар сони; тижоратлаштириш, грантлар, тармоқ билан шартномалар; илмий раҳбарлик ва бошқалар.	бўйича хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Илмий-тадқиқот муассасалари ва илмий ходимлар асосий илмий фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг фаолиятини рейтинг баҳолаш ва рағбатлантириш тизими лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Рейтинг баҳолаш тизимини ва KPI кўрсаткичини Фанлар академияси Президиумида тасдиқлаш ва унинг асосида илмий ташкилотларда ҳар йил илмий ходимнинг лавозимига лойиқлик масаласини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиш.	2026 йил апрель 2026 йил май		тизимдаги илмий муассасалар раҳбарлари (кейинги ўринда – илмий муассасалар раҳбарлари)
6.	Илмий ташкилотларда рақобат муҳитини шакллантириш учун бюджет ҳисобидаги илмий ташкилотлар раҳбар ходимлари лавозимларига ҳар беш йилда вакансия эълон қилиб, танлов орқали ишга қабул қилиш механизмини жорий қилиш.	1. Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган раҳбар ходимлар лавозимлари учун шаффоф ва қонуний асосда рақобатбардош танлов ўтказиш шартларини кўрсатувчи талаблар бўйича таклиф тайёрлаш. 2. Раҳбар ходимлар лавозимларига вакансия эълон қилиш ва уларни танлов орқали ишга қабул қилиш тартибини белгилайдиган ҳужжатларни Директорлар кенгашида муҳокама қилиш ва Фанлар академияси Президиумида тасдиқлаш. 3. Ҳар беш йилда раҳбар ходимлар лавозимлари учун бўш иш ўринларини оммавий ахборот воситалари, институт веб-сайти ва тегишли платформалар орқали эълон қилиш.	2026 йил апрель 2026 йил июнь Ҳар 5 йилда	Талаб этилмайди	Фанлар академияси, илмий муассасалар раҳбарлари
7.	Ҳудудларда академик фанни такомиллаштириш ва мавжуд илмий салоҳиятни маҳаллий эҳтиёжларга йўналтириш.	1. Академик фанни ривожлантириш, мавжуд илмий салоҳиятни ҳудудларнинг долзарб масалаларини ечишга йўналтириш мақсадида Фанлар академиясининг Самарқанд, Наманган ва Термиз ҳудудий бўлимларини ташкил этиш. 2. Маҳаллий ҳокимиятлар иштирокида ҳудудий бўлинмаларнинг асосий	2026 йил май 2026 йил август	Фанлар академиясига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Фанлар академияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар,

		вазифаларини долзарб ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни илмий ёндашувлар асосида ҳал этишга йўналтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва иш режасини Фанлар академияси Президиумида тасдиқлаш.			Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари
8.	Минтақавий ва ҳудудий бўлимларни ривожлантириш, замонавий талаблар даражасида тадқиқотларни ўтказиш, маҳаллий иқтидорли ёшларни тадқиқот ишларига кенг жалб қилиш мақсадида ходимларнинг 3 ойгача икки томонлама хизмат сафарларини ташкил этиш.	1. Минтақавий ва ҳудудий бўлинмаларнинг илмий салоҳияти, моддий-техника базаси, мавжуд имкониятларини таҳлил қилиш. 2. Илмий ташкилот ходимлари томонидан хизмат сафари доирасида бажариладиган вазифаларни молиялаштириш масалаларини Фанлар академия Президиумида кўриб чиқиш.	Ҳар йили февраль ойида Доимий	Фанлар академиясига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари
9.	Мамлакатда биотехнологияларни 2035 йилгача ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.	1. Масъул вазирлик ва идоралар иштирокида идоралараро ишчи гуруҳ тузиш. 2. Мутахассислар, тармоқ корхоналари ва экспертлар иштирокида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. 3. Тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил январь 2026 йил август 2026 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари	Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги
10.	Фанлар академияси Ботаника институти ва унинг тасарруфидаги академик Н.Ф. Русанов номидаги Тошкент ботаника боғининг илмий-амалий фаолиятини тубдан такомиллаштириш.	1. Ботаника боғининг илмий-амалий фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ тузиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қуйидагиларни назарда тутиш: – глобал иқлим ўзгариши фонида ўсимликлар хилмахиллигини ўрганиш ва муҳофаза қилиш; – Ўзбекистон миллий гербарийси фондини	2026 йил февраль 2026 йил май	–	Фанлар академияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги

		Марказий Осиё ўсимлик турлари бўйича дунёдаги энг йирик илмий коллекция сифатида унинг халқаро нуфузини янада ошириш; – “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг илмий асосларини янада мустаҳкамлаш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил сентябрь		
11.	“Тошкент Фарма парк” фармацевтика кластери ҳудудида молекуляр генетика, биомедицина ва ҳужайра биобанки бўйича илмий-амалий фаолиятни амалга оширувчи миллий “BioMe” марказини ташкил этиш учун молиявий манбаларни аниқлаш.	1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш. 2. Марказни ташкил этиш учун халқаро молиявий ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш бўйича музокаралар ўтказиш.	2026–2027 йиллар	–	Фанлар академияси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
II. Илмий нашрлар ва журналларни чоп этиш фаоллигини ошириш					
12.	Фанлар академиясининг илмий журналлари фаолиятини такомиллаштириш.	1. Журналлардаги илмий мақолалар сифатини, тақриз тизими ва нашр этиш жараёнини таҳлил қилиш. 2. Фанлар академияси ва унинг илмий ташкилотлари нашр қилаётган журналлар таҳрир ҳайъатига етакчи хорижий олимларни жалб қилиш. 3. Журнал нашрларининг электрон архивларини шакллантириш. 4. Журналларни умумэътироф қилинадиган ва бошқа халқаро маълумотлар базаларига киритиш.	2026 йил январь-июнь Доимий Доимий 2027 йилдан бошлаб	Фанлар академиясига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, Жамғарма маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Фанлар академияси, Фанлар академияси тизимидаги журнал таҳририятлари
13.	Фанлар академияси илмий ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш учун илмий фаолиятни баҳолашнинг	1. Илмий фаолиятни баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида мутахассисни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳ шакллантириш.	2026 йил февраль	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси

	метрик тизимини ташкил этиш.	2. Ишчи гуруҳ томонидан мақсад ва вазифаларни белгилаш, илмий мақолалар, патентлар, илмий грантлар бўйича маълумотларни Фанлар академиясининг “Фан-портали” ахборот тизимида йиғиш ва рейтингини шакллантириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш. 3. Фанлар академиясининг “Фан-портали” ахборот тизими электрон платформасини такомиллаштириш. 4. Электрон платформага киритилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида ташкилотлар рейтингини тузиш.	2026 йил июль 2026 йил август Ҳар йили январь ойида		
14.	Халқаро илмий-техник маълумотлар базасига обунани ташкил этиш.	1. Халқаро илмий-техник маълумотлар базаларини ўрганиш ва Фанлар академияси фаолиятига керакли бўлганларини аниқлаш. 2. Аниқланган халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига обунани ташкил этиш.	2026–2030 йиллар	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси
III. Илм-фан ва таълим интеграциялашувини чуқурлаштириш					
15.	Олий таълим ташкилотларида Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотлар ходимлари иштирокида масофавий технологияларни қўллаган ҳолда фан йўналишлари бўйича маҳорат дарслари, семинарлар, тренинглар, вебинарлар ва онлайн маслаҳатлашувлар ташкил қилиш.	1. Маҳорат дарслари, семинар-тренинг, тематик вебинар, онлайн маслаҳатлашувлар ўтказиш бўйича бир йилга мўлжалланган олий таълим ташкилотлари кесимида режа-жадвални ишлаб чиқиш. 2. Тингловчи ва иштирокчиларни жалб қилиш учун режа-жадвални интернет тармоғига жойлаштириш. 3. Ўтказилган маҳорат дарслари, семинар-тренинглар, мавзуга оид вебинарлар ва онлайн маслаҳатлашувлар бўйича умумлаштирилган маълумотларни йиғилишларда муҳокама қилиш.	2026 йил февраль Ҳар йили январь ойида Доимий	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлар маблағлари	Фанлар академияси, илмий муассасалар раҳбарлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
16.	Фанлар академияси илмий ташкилотларининг олий	1. Фанлар академияси етакчи олимларининг олий таълим ташкилотларида маърузалар	Доимий	–	Олий таълим, фан ва инновациялар

	таълим ташкилотлари билан самарали интеграциясини йўлга қўйиш.	ўқиш, магистрлик тадқиқотларига раҳбарлик қилиш ишларини ташкил этиш. 2. Иқтидорли талабаларни илмий ташкилотларда олиб борилаётган тадқиқот ишларига жалб этиш. 3. Магистрлик диссертация тадқиқотларини илмий ташкилотларда олиб борилаётган тадқиқот ишларига мос равишда ўтказиш.			вазирлиги, Фанлар академияси, илмий муассасалар раҳбарлари
17.	Олий таълим ташкилотлари билан илм-фаннинг долзарб масалалари бўйича илмий семинарлар ташкил қилиш , ўтказиш ҳамда республиканинг ихтисослаштирилган илмий-ўқув марказларига видео (онлайн) трансляцияни таъминлаш.	1. Олий таълим ташкилотлари билан илм-фаннинг долзарб масалалари бўйича ҳар чоракда камида уч марта илмий семинарлар ўтказиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотлар томонидан семинарларни тасдиқланган дастур асосида ташкил этиш.	2026 йилдан бошлаб	–	Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
IV. Халқаро илмий-техник ҳамкорликни кенгайтириш					
18.	Хориждаги етакчи олимларни Фанлар академияси илмий ташкилотларига ҳамкорлик учун жалб қилишни самарали ташкил этиш.	1. Илмий-тадқиқот фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда илмий ташкилотларнинг етакчи хорижий турдош илмий муассасалар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш. 2. Халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларига мувофиқ ҳар бир илмий ташкилотларнинг хорижий турдош илмий муассасалар билан шериклик муносабатларини ўрнатиш ва кенгайтириш. 3. Фанлар академиясининг илмий ташкилотларига маслаҳатчи ва етакчи олимлар сифатида юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш.	Мунтазам равишда	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги
19.	Хорижий илмий марказларда меҳнат қилаётган ватандош	1. Фанлар академияси жамғармаси низомига реинтеграция грантларига маблағ ажратиш механизмини жорий этиш бўйича	2026 йил апрель	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар

	олимларни академияси ташкilotларининг тадқиқотларида этиши учун жалб қилиш.	Фанлар илмий иштирок	алоҳида банд киритиш. 2. Ватандош олимларни Фанлар академияси тизимида фаолият юритиши учун икки йилга мўлжалланган грантлар танловини ўтказиш. 3. Реинтеграция грантлари танлови ғолиблари билан шартномалар тузиш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь		вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
20.	Нуфузли халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликда PhD ва DSc (double degree) дастурларини ишлаб чиқиш.		1. Илмий ташкilotлар томонидан ўзининг фан йўналишлари бўйича хорижий нуфузли олий таълим ва илмий ташкilotлар билан ҳамкорликда PhD ва DSc (double degree) дастурларини ишлаб чиқиш бўйича музокаралар олиб бориш. 2. Нуфузли халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликда PhD ва DSc (double degree) дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2026–2027 йиллар	Фанлар академиясига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, илмий муассасалар раҳбарлари
21.	Хориждаги етакчи илмий марказ ва нуфузли университетлар билан қўшма тадқиқотлар ташкил этиш.		1. Хорижий олимлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш ва қўшма тадқиқотлар дастурини келишиш. 2. Хориждаги етакчи илмий марказ ва нуфузли университетлар билан қўшма тадқиқотлар олиб бориш учун грант танловини ўтказиш. 3. Халқаро қўшма илмий лойиҳалар танловларида иштирок этиш.	2026 йилдан бошлаб доимий	Халқаро грантлар, Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, илмий муассасалар раҳбарлари
22.	Халқаро илм-фан кенгашининг Марказий Осиё минтақавий офиси фаолиятини ташкил қилиш.		1. Минтақавий офис раҳбари бўйича таклифни тайёрлаш ва Халқаро илм-фан кенгашига тақдим этиш. 2. Минтақавий офис ходимларининг иш ҳақи ва хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш бўйича шартнома тузиш. 3. Минтақавий офисни Фанлар академияси биносига жойлаштириш ва зарур офис, компьютер ҳамда техника жиҳозлари билан	2026 йил январь Минтақавий офис раҳбари тайинлангач бир ой муддатда Минтақавий офис раҳбари тайинлангач	– Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, хорижий грант маблағлари,	Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		таъминлаш.	икки ой муддатда	Жамғарма маблағлари	
23.	Жаҳон Фанлар академияси (TWAS) билан ҳамкорликни кучайтириш.	1. 2026 йил Жаҳон Фанлар академияси минтақавий аъзолари иштирокида конференция ўтказиш. 2. Жаҳон Фанлар академияси бош ассамблеясининг 2029 йилдаги йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш. 3. Қўшма TWAS-Ўзбекистон дастурларини йўлга қўйиш (танловлар, стипендия, мукофотлар).	2026 йил давомида 2029 йил давомида Режа асосида	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, илмий муассасалар раҳбарлари
V. Илмий ташкилотларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш					
24.	Давлат харидлари платформасида илмий тадқиқотларга буюртма бериш бўлимини ташкил қилиш. Бунда “маҳсулот тоифаси”га “илмий тадқиқотлар”ни яратиш ва унга илмий ташкилотларнинг муайян хизмат калёкуляциясини киритиш орқали хизмат кўрсатиш.	1. Платформада илмий тадқиқотларга буюртма бериш жараёнини соддалаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун мутахассислардан иборат идоралараро ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Амалий чоралар кўриш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва илмий тадқиқотларга буюртма бериш бўлимини ташкил қилиш.	2026 йил февраль 2026 йил сентябрь	—	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Фанлар академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
25.	Фанлар академиясида илмий маҳсулотларни патентлаш, тижоратлаштириш ва технологиялар трансфери бўйича вазифаларни амалга оширувчи аутсорсинг хизматларини йўлга қўйиш.	1. Технологиялар трансфери ва тижоратлаштириш хизматларини харид қилиш учун техник топшириқни ишлаб чиқиш. 2. Технологияларни тижоратлаштириш бўйича аутсорсинг хизматларини кўрсатиш учун тендер эълон қилиш (лойиҳаларни таҳлил қилиш, инвестиция жалб этиш, лицензияларни сотиш, спин-офф корхоналарни ишга тушириш ва бошқалар). 3. Тендер савдоларини ўтказиш.	2026 йил январь 2026 йил февраль 2026 йил Март	Жаҳон банкининг “Мунис” лойиҳасидаги маблағлар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси

26.	Бешта йўналиш: биоинжиниринг, наноинжиниринг, материаллар инжиниринги, энергетик инжиниринг ва кимё инжиниринги бўйича илмий инжиниринг марказини ташкил этиш.	1. Илмий инжиниринг марказини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш. 2. Халқаро молия институтларидан маблағ жалб этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. 3. Таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил май 2026 йил август 2026 йил сентябрь	Талаб этилмайди	Фанлар академияси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
27.	Фанлар академияси илмий ташкилотларининг лабораторияларини модернизация қилиш бўйича 2026–2030 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилиш.	1. Идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этиш. 2. Фанлар академиясининг моддий-техника базасини такомиллаштириш бўйича аниқ кўрсаткичлар лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Моддий-техника базани такомиллаштириш бўйича лойиҳани вазирликлар, идоралар билан келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил июль 2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь	–	Фанлар академияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
28.	Илмий экспедициялар ва дала тадқиқотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва молиялаштириш тизимларини такомиллаштириш.	1. Илмий экспедициялар ва дала тадқиқотларини ташкил этиш, моддий-техник базани мустаҳкамлашга муҳтож йўналишлар ва экспедициялар рўйхатини шакллантириш. 2. Илмий экспедицияларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни аниқлаш. 3. Илмий экспедициялар, дала тадқиқотлари, тажрибалари ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	2026 йилдан доимий	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
29.	Ботаника ва зоология институтларининг янги биноларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	1. Ботаника ва Зоология институтларининг моддий-техника базаларини ва биологик коллекцияларининг шароитларини ўрганиш. 2. Ботаника ва Зоология институтлари учун замонавий янги бинолар қуриш мақсадида Фанлар академиясига тегишли ҳудудлардаги бўш ер майдонларини аниқлаш.	2026 йил февраль 2026 йил март	–	Фанлар академияси

		3. Ботаника ва Зоология институтларининг янги биноларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил май		
VI. Ёшларни илм-фанга жалб қилиш					
30.	Фанлар академияси ҳузуридаги Ёш олимлар кенгаши фаолиятини тубдан такомиллаштириш.	1. Ёш олимлар кенгашининг мавжуд вазифалари, тузилмаси ва фаолиятини таҳлил қилиш, Кенгаш фаолиятининг натижалари ва самарадорлигини баҳолаш якуни бўйича Кенгаш тузилмаси ва иш жараёнини қайта шакллантириш. 2. Академиклар ва етакчи олимлар билан ёш олимлар мулоқотини кучайтириш, улар учун форумлар, ижтимоий тармоқларда махсус гуруҳлар ташкил қилиш. 3. Кенгаш фаолияти бўйича ёш олимлар орасида ижтимоий сўровлар ўтказиш. 4. Кенгаш ҳисоботини Фанлар академияси Президиумида эшитиб бориш.	2026 йил январь Режа асосида Режа асосида Ҳар йили январь ойида	—	Фанлар академияси
31.	Ёш олимларни Фанлар академияси илмий ташкилотларининг илмий фаолиятига жалб этишни кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш.	1. Ёш олимларни илмий фаолиятга жалб этишни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. 2. Ёш олимларнинг илмий малакасини ошириш мақсадида академик ва амалий тренинглар, семинарлар ҳамда воркшоплар ташкил этиш. 3. Давлат гранти лойиҳалари штат жадвалида ёш олимлар улушини камида 30 фоизга етказиш. 4. Ёш олимларнинг илмий ишланмалари учун танловлар ва кўргазмалар ташкил этиш, баҳолаш учун миллий ва халқаро танловлар ўтказиш. 5. Ёш олимларнинг ишланмалари ва тадқиқотларини кенг оммага тақдим этиш учун конференциялар ва форумлар ташкил	2026 йил май Режа асосида	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		қилиш. 6. Илмий тадқиқотларда алоҳида ютуқларга эришган ёшларга махсус мукофотлар бериш.			
32.	Ёшлар ва ёш олимлар иштирокидаги экохакатон (Ботаника боғида) ташкил қилиш.	1. Ботаника боғи ҳудудида экологик муаммоларга бағишланган хакатон ташкил этиш, унга талабалар, ёш олимлар, стартап жамоалари ва экспертларни жалб этиш. 2. Муаммоларни ечиш учун амалий лойиҳалар, прототиплар ва рақамли ечимлар ишлаб чиқиш жараёнини менторлар ва экспертлар иштирокида йўлга қўйиш. 3. Ғолиб лойиҳаларни танлаб, уларни мукофотлаш ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш.	2026 йилдан бошлаб режа асосида	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
33.	Ёш олимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.	1. Ёш олимларни тураржой билан таъминлаш мақсадида янги тадқиқотчилар учун тураржой қуриш таклифини ишлаб чиқиш ва 2027 йилги инвестиция дастурига киритиш чораларини кўриш. 2. Ёш олимлар ва уларнинг оилалари учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш.	2026 йил апрель 2026 йил июнь		Фанлар академияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
VII. Илмий натижаларни кенг муҳокама қилиш ва замонавий илм-фан ютуқларини оммалаштиришни ташкил этиш					
34.	Фанлар академияси олимларининг илмий ютуқларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб бориш.	1. Ахборот тарқатиш бўйича масъул гуруҳни ташкил этиш. 2. Халқаро илмий ахборот тарқатиш тизимларини ўрганиш ва улар билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўйиш. 3. Газета ва журналлар билан тезкор ахборот алмашиш тизимини йўлга қўйиш. 4. ОАВ вакиллари учун матбуот анжуманлари, очиқ эшиклар кунини ташкил қилиш.	Доимий	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотлар
35.	Фанлар академиясининг илм-фан тарғибот маркази	1. Илм-фан тарғибот маркази негизида медиамарказ ташкил этиш ва асбоб-ускуналар	2026 йил март	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Олий таълим, фан

	замонавий услубда фаолият юритиши учун унинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш.	билан таъминлаш чораларини кўриш. 2. Медиамарказ низомини Фанлар академияси Президиуми томонидан тасдиқлаш, бунда қуйидагиларни асосий вазифалари этиб белгилаш: илмий-оммабоп рақамли медиаконтент ишлаб чиқариш, замонавий форматда ижтимоий тармоқларини бошқариш; ёшлар, ОАВ, блогерлар ва ОТМлар билан медиаҳамкорликни ривожлантириш; пиар тадбирлари ва коммуникацион кампанияларни ташкил этиш; Фанлар академиясининг расмий веб-сайтини ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўз вақтида янгилаб бориш. 3. Медиамарказни Фанлар академияси ахборот хизматига бириктириш.	2026 йил апрел 2026 йил май		ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
36.	Кўп жилдли “Ўзбекистон миллий қомуси”ни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида нашрга тайёрлаш ва чоп этиш.	1. Кўп жилдли “Ўзбекистон миллий қомуси”ни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида нашрга тайёрлаш ва чоп этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда: тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари ҳамда соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тузиш; “Ўзбекистон миллий қомуси”ни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш; қарор лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш; қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2027 йил май 2027 йил сентябрь 2027 йил октябрь 2027 йил декабрь		Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ўзбекистон нашриёти” ДУК, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

37.	Ёшларни илм-фанга жалб қилиш, уларнинг Фанлар академияси фаолиятига қизиқишини оширишга оид тизим яратиш.	1. Республика бўйлаб интерактив учрашувлар, маърузалар, савол-жавоб сессиялари ва илмий намойишлардан иборат “ScienceXTalks” циклини ташкил этиш. 2. Ёшлар ишлари агентлиги, олийгоҳлар ва ёшлар марказлари билан ҳамкорликда тадбирларнинг логистикаси, иштирокчиларни жалб этиш ва ахборотлаштириш ишларини йўлга қўйиш. 3. Тадбирлар асосида медиаконтент тайёрлаш (қисқа видеолар, интервьюлар, подкастлар) ва уни ижтимоий тармоқлар орқали оммалаштириш.	2026 йилдан бошлаб доимий	Фанлар академияси жамғармаси маблағлари	Ёшлар ишлари агентлиги, Фанлар академияси
38.	Илмий фаолиятни замонавий технологияларни қўллаган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оммалаштириш.	1. Илмий-оммабоп видеолар, подкастлар, блог ва ижтимоий тармоқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган очик мини-грантлар танловини (талабалар, блогерлар, ОТМ жамоалари, медиамаҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун) эълон қилиш. 2. Мутахассислар ва медиаэкспертлардан иборат танлов комиссиясини шакллантириш, лойиҳаларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш механизмларини жорий қилиш. 3. Ғолиб лойиҳаларга молиявий ёрдам ажратиш, яратилган медиаконтентни Фанлар академияси платформалари ва ижтимоий тармоқларда оммалаштириш, натижалар бўйича ҳисобот тайёрлаш.	2026 йилдан бошлаб доимий	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
39.	Илм-фан натижаларини аҳолига, айниқса, ёшларга кенгроқ таништириш мақсадида илм-фан фестивалини ўтказиш.	1. Тадбирнинг ишчи гуруҳи, умумий режаси, бюджет ва тайёргарлик ишларини тақсимлаш. 2. Илм-фан фестивалини ўтказиш.	2026–2030 йиллар режа асосида	Жамғарма маблағлари	Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
40.	“Олима аёллар” саҳифасини ташкил этиш ва уларнинг	1. Олима аёллар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш ва “Олима аёллар”	2026 йил январь	Жамғарма маблағлари,	Фанлар академияси

	маълумотлар базасини яратиш.	саҳифасини ташкил этиш. 2. Базани мунтазам равишда янгилаш ва олима аёллар ҳақида янги маълумот қўшиш механизмини ташкил қилиш.	Доимий	ҳомийлик хайриялари	
--	------------------------------	--	--------	------------------------	--

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2030 йилгача
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Кўрсаткич (индикатор) номи	2026 й.	2027 й.	2028 й.	2029 й.	2030 й.
I. Илм-фан ва унинг татбиқлари соҳасида илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш						
1.	Иқтисодиётнинг реал сектори билан бирга тажриба-синов марказларини ташкил этиш (сони)	2	4	6	8	10
2.	Илмий ишланмаларни ички ва ташқи бозорларда тижоратлаштириш натижасида маблағлар жалб қилиш (млрд сўм)	70	100	140	180	210
3.	Амалий тадқиқотлар натижасида янги илмий ишланмаларни яратиш (сони)	10	15	20	25	30
4.	Илмий ходимларнинг ўртача ёши	47	46	45	44	43
5.	Илмий ходимларнинг ўртача маошини ошириш (2025 йилга нисбатан, марта)	1,2	1,4	1,6	1,8	2
II. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш						
6.	Олий таълимдан кейинги таълим институти орқали юқори малакали кадрларни тайёрлаш	1046	1080	1100	1120	1150
	Илмий ходимлар таркибида ёшлар улүшини ошириш (2025 йилга нисбатан, фоиз)	40	45	50	55	60
7.	Ёш тадқиқотчилар сони (40 ёшгача, 2025 йилга нисбатан, марта)	1,2	1,8	2	2,5	3
III. Илмий журналлар нашр этиш ва материаллар эълон қилиш фаоллигини ошириш						
8.	Монографиялар ва дарсликлар сони (хорижий ва республикада)	140	160	180	200	220
9.	“Web of Science” ва “Scopus” маълумотлар базасига кирадиган мақолалар (сони)	840	920	1000	1080	1200
10.	Умумэътироф қилинган маълумотлар базасига кирадиган мақолалар (сони)	600	1000	1200	1800	2400
11.	Республика журналларида эълон қилинган илмий мақолалар (сони)	500	550	600	650	700
IV. Илмий натижалар кенг муҳокама қилинишини ташкил этиш ва замонавий фан ютуқларини оммалаштириш						
12.	Республика илмий конференцияларини ташкил этиш (сони)	18	20	22	25	30
13.	Халқаро илмий конференцияларни ташкил этиш (сони)	12	16	18	20	25
14.	Доимий ишлайдиган илмий семинарларни ташкил этиш (сони)	30	31	32	33	36
15.	Доимий ишлайдиган ўқув семинарларини ташкил этиш (ёш тадқиқотчилар) (сони)	30	31	32	33	36

Т/р	Кўрсаткич (индикатор) номи	2026 й.	2027 й.	2028 й.	2029 й.	2030 й.
V. Фан ва таълим интеграциясини чуқурлаштириш						
16.	Илмий ташкилотлар ходимларининг олий таълим муассасаларининг таълим жараёнидаги иштироки	200	250	300	450	500
17.	Илмий ташкилотлар ходимлари ва академикларнинг ўрта махсус таълим муассасалари таълим жараёнидаги иштироки	250	370	400	420	500
18.	Илмий ташкилотларда тайёрланган магистрлик диссертациялари (сони)	250	300	350	400	450
19.	Илмий ташкилотларда тайёрланган битирув малакавий ишлар (сони)	250	300	350	400	450
VI. Халқаро илмий-техник ҳамкорликни кенгайтириш						
20.	Халқаро жамғармалар маблағлари ҳисобига қўшма тадқиқотларни амалга ошириш (2025 йилга нисбатан, марта)	1,2	1,4	1,6	1,8	2
21.	Ўзбекистон ва МДХ давлатлари илмий ташкилотлари билан қўшма тадқиқотларни амалга ошириш (2025 йилга нисбатан, марта)	1,2	1,4	1,6	1,8	2
22.	Илмий ташкилотлар ходимларининг жаҳоннинг етакчи илмий марказларида малакасини ошириш (нафар)	150	180	220	250	300
23.	Илмий ходимларнинг хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликдаги мақолалари (сони)	200	250	300	350	400
VII. Моддий-техника базани ривожлантириш						
24.	Замонавий аналитик асбоб-ускуна билан жиҳозланганлик даражаси (фоиз)	55	60	65	70	80
25.	Асбоб-ускуналар учун сарф материаллари билан жиҳозланганлик даражаси (фоиз)	40	50	60	75	90

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ходимлари сонини
босқичма-босқич ошириш
РЕЖАСИ

Йиллар кесимида илмий ходимлар штат бирликлари сони										
2025 йилда	2026 йилда		2027 йилда		2028 йилда		2029 йилда		2030 йилда	
Жами	Ўсиши	Жами	Ўсиши	Жами	Ўсиши	Жами	Ўсиши	Жами	Ўсиши	Жами
1 408	140	1 548	140	1 688	150	1 838	150	1 988	150	2 138

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари
ҳудудий бўлимларининг
НАМУНАВИЙ ШТАТ ЖАДВАЛЛАРИ**

Т/р	Лавозимлар номи	Штат бирликлари сони
1.	Бўлим раҳбари	Жамоатчилик асосида
2.	Етакчи илмий ходим	1
3.	Катта илмий ходим	1
4.	Кичик илмий ходим	1
ЖАМИ:		3

Изоҳ:
ҳудудий бўлимлар қуйидаги олий таълим муассасалари бино ва иншоотларида текин
фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади:
Самарқанд вилояти бўлими — Самарқанд давлат университети;
Наманган вилояти бўлими — Наманган давлат университети;
Сурхондарё вилояти бўлими — Термиз давлат университети;
ҳудудий бўлимларнинг штат бирликлари Фанлар академиясининг илмий ходимлари сонини
босқичма-босқич ошириш доирасида ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарорига
6-илова

**Фанлар академияси бошқарув аппарати ва Қорақалпоғистон бўлими
ходимларини рағбатлантириш
ТУРЛАРИ**

1. Фанлар академияси бошқарув аппарати ва Қорақалпоғистон бўлими ходимлари учун ходимларнинг лавозим маошига **200 фоизгача** миқдорда ойлик рағбатлантириш устама тўловлари;
2. Фанлар академияси бошқарув аппарати ва Қорақалпоғистон бўлими ходимларига (хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлардан ташқари) кўп йиллик ишлаганлик учун қуйидаги ҳажмда ойлик устама тўловлари:
 - (а) 1 йилдан 3 йилгача — 0,3;
 - (б) 3 йилдан 5 йилгача — 0,6;
 - (в) 5 йилдан 10 йилгача — 0,8;
 - (г) 10 йилдан 15 йилгача — 1,0;
 - (д) 15 йилдан 20 йилгача — 1,2;
 - (ж) 20 йилдан юқори — 1,5.


Бунда кўп йиллик ишлаганлик учун ойлик устама тўловлари коэффицентини ҳисоблашда мазкур ходимларнинг Фанлар академияси илмий ташкилотларидаги расмий меҳнат фаолияти даври ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ-390-сон қарорига
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамғармаси
маблағлари йўналтириладиган харажатлар
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1. Хориждаги иқтидорли ватандош олимларни Ўзбекистонга қайтиб келишини қўллаб-қувватлашга қаратилган **реинтеграция** грантларини ташкил этиш.
2. Таянч докторантлар учун **номли стипендиялар** ҳамда ёш тадқиқотчилар учун грантлар ва мукофотлар таъсис қилиш.
3. Илмий тадқиқот жараёнларини рақамлаштиришни қўллаб-қувватлаш, маълумотларни сақлаш ва таҳлил қилиш учун **инновацион ахборот технологияларини** жорий этиш, **рақамли архивлар** ва **маълумотлар базаларини** ривожлантириш.
4. Илмий асбоб-ускуналар, **реагент, реактив, хомашё, сарфлов материаллар** ва **бутловчи қисмларни** харид қилиш.
5. Долзарб илмий тадқиқот натижаларига оид **монография** ва **китоблар** чоп этиш.
6. Олимларнинг малакасини ошириш учун курслар, семинарлар ва тренинглар ташкил этиш.
7. Академик алмашинув дастурларини ташкил этиш, халқаро илмий марказлар билан қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш ва чет эл мутахассисларини жалб қилиш.
8. Фанлар академияси ходимларини моддий рағбатлантириш, уларни хорижга хизмат сафарларига юбориш харажатларини қоплаш.
9. Очиқ маърузалар ҳамда илмий анжуманлар ўтказиш, илмий-оммабоп адабиётлар нашр этиш, илмни тарғиб қилишда рақамли платформаларни ривожлантириш, илм-фанни оммалаштириш.
10. “Scopus”, “Web of science” ва бошқа маълумотлар базаларига обуна бўлиш харажатларини қоплаш ҳамда халқаро ташкилотларда вакиллик харажатларини молиялаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарорига
9-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3855-сон қарори 6-бандининг иккинчи хатбошисидан “фундаментал, амалий ва” ҳамда “фундаментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек,” сўzlари чиқариб ташлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4526-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган илмий ходимлари сонини босқичма-босқич камайтириб бориш жадвалининг “Илмий ходимлар штат бирликлари сони” устунидаги “2025 йилдан бошлаб” устуни чиқариб ташлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги ПҚ–400-сон қарори билан тасдиқланган Ходимларининг иш ҳақи миқдорлари оширилаётган давлат маданият муассасалари ва ташкилотлари рўйхатининг “10. Фанлар академияси тизимидаги ташкилотлар” бўлими “65¹. Фанлар академияси Асосий кутубхонаси” позицияси билан тўлдирилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Янги авлод муҳандисларини тайёрлаш ва муҳандислик таълимини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–278-сон қарорида:

(а) 1-иловада:

(i) 9-позициянинг “Янгидан ташкил этиладиган муҳандислик мактаблари номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мирзаобод туманидаги муҳандислик мактаби”;

(ii) 10-позициянинг “Янгидан ташкил этиладиган муҳандислик мактаблари номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жарқўрғон туманидаги муҳандислик мактаби”;

(iii) 11-позициянинг “Янгидан ташкил этиладиган муҳандислик мактаблари номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ангрен шаҳридаги муҳандислик мактаби”;

(iv) 12-позициянинг “Ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотлари номи*” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Фарғона юридик техникуми”;

(б) 2-иловада:

(i) 9-позициянинг “Муҳандислик мактаби” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мирзаобод туманидаги муҳандислик мактаби”;

(ii) 10-позициянинг “Муҳандислик мактаби” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жарқўрғон туманидаги муҳандислик мактаби”;

(iii) 11-позициянинг “Муҳандислик мактаби” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ангрен шаҳридаги муҳандислик мактаби”;

(в) 3-иловада:

(i) 9-позициянинг “Қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган муассасалар номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мирзаобод туманидаги муҳандислик мактаби”;

(ii) 10-позициянинг “Қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган муассасалар номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жарқўрғон туманидаги муҳандислик мактаби”;

(iii) 11-позициянинг “Қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган муассасалар номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ангрен шаҳридаги муҳандислик мактаби”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 октябрдаги ПҚ–316-сон қарори билан тасдиқланган 2026–2027 йилларда илғор касбий маҳорат техникумлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича дастурнинг 13–14-позициялари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

13.	Хоразм илғор касбий маҳорат техникуми	1 100	150	150	2	1	1	-
14.	Тошкент шаҳар илғор касбий маҳорат техникуми	1 984	300	-	2	1	-	1

”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 июлдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган Дала шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга дала устамаси тўлаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 4³-банд билан тўлдирилсин:

“4³. Зоологик ва ботаник тадқиқотлар ўтказувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган илмий ташкилотларда дала устамаси зоологик ва ботаник илмий-тадқиқот ишларини бажарадиган илмий ходимларга, эгаллаб турган лавозими ва ойлик маошидан қатъи назар, дала устамаси ҳисоблаб ёзиладиган санада Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан (коэффициентларда), бироқ ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 бараваридан ортиқ бўлмаган қуйидаги миқдорларда ҳақ тўланади:

а) кунига 0,3 — дала шароитларида бевосита дала ишлари амалга ошириладиган объектларда ишлаганда;

б) кунига 0,11 — базавий дала шаҳарчаларида ишлаганда”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 366-сон қарорига 12–15, 17–29-иловаларнинг “Илмий ходимларнинг штат бирлигидаги сони” устунидаги “2026 йилдан бошлаб” устуни чиқариб ташлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган илмий ходимлари сонини 2025 йил 1 январгача босқичма-босқич мақбуллаштириш жадвалининг “Илмий ходимларнинг штат бирлигидаги сони” устунидаги “2026 йилдан бошлаб” устуни чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрелдаги 180–Ф-сон фармойиши билан тасдиқланган Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида алоҳида муҳим йўловчиларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг рус тилидаги матнида 5.7.-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.7. Президент Академии наук Республики Узбекистан, вице-президенты и первый вице-президент – главный ученый секретарь”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарорига
10-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2789-сон қарорининг 8-банди, 1 ва 2-иловалари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5032-сон қарорининг 19-банди ҳамда 12-иловаси.

